



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 19 МАРТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 44 – 45 (13.891 – 13.892)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ФУҚАРОЛАРИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИШ РЕЖИМИНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштириш, мамлакатимизда кулай инвестиция муҳитини яратиш ва туризм салоҳиятини ривожлантириш мақсадида:

1. 2019 йил 20 мартдан бошлаб Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кун муддатга визасиз режим белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистонга иш юзасидан келадиган Бирлашган Араб Амирликлари фуқароларига Ўзбекистон Республикасидаги таълим қилаётган юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат этиши талаби бекор қилинган ҳолда, бир йил муддатга бўлган кўп марталик визаларни Ўзбекистон Республикасининг чет элдоги муассасаларида ҳужжатлар қабул қилинган кун ҳисобга олинмасдан 3 иш кун ичида расмийлаштирсин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармони билан тасдиқланган 2019 йил 1 февралдан бошлаб фуқаролари электрон кириш визасини олиш имкониятига эга бўлган мамлакатлар рўйхатининг 32-банди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПК-3836-сонли қарори билан тасдиқланган 2018 йил 1 июлдан бошлаб фуқароларига Ўзбекистон Республикасига визасиз транзит кириш, вақтинчалик бўлиш ва чиқиш тартиби белгиланган мамлакатлар рўйхатининг 62-банди.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов зиммасига қўллансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 18 март

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида

ПОЙТАХТДА ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИНИ КЎРСАТИШНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси ушбу мавзу муҳокамасига бағишланди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасалар фаолиятини ўрганиш мақсадида Олий Мажлис Кунчилиги палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилган бўлиб, унинг ҳулосасига кўра, Тошкент шаҳрида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш тадбирлари ижобий кўрсаткичга эга.

Таъкидлаш жоизки, ўтган бир йил давомида Тошкент шаҳрида 71 та янги тартибдаги оилавий поликлиникалар ташкил этилди. Пойтахтимизнинг тез тиббий ёрдам станцияси 102 та машина билан таъминланди, шундан 10 таси замонавий таъминотга эга реанимобилдир.

2018 йилда тиббиёт муассасаларини куриш ва таъмирлаш ишлари ҳажми 2017 йилга нисбатан икки ярим баробарга ортди. 2019 йилда эса бу кўрсаткичнинг янада ошиши кўзда тутилган.

Сессияда пойтахтимиз туманларида стационар даволаш шароитлари етарли даражада эмаслиги масаласи кўтарилди. Мутасаддилар ушбу муаммонинг ечимини буйича тегишли чора-тадбирларни куриш юзасидан тегишли ишлар олиб борилаётганини маълум қилишди.

Йиғилишда шаҳримиздаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси, уларнинг дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражаси, жойлардаги кадрлар таъминоти ва салоҳияти масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Сессия якунида муҳокама этилган барча масалаларни ижобий ҳал қилиш, хусусан, аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди ва бу борада Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати



Ўлкамизда Наврўз нафаси

“ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК”

Баҳор – яшариш ва янгиланиш фасли. Ана шундай шукўҳли кунларда юртимизда Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга қизгин ҳозирлик кўрилмақда. Қутлуғ айём арафасида мамлакатимизга келаётган хорижлик сайёҳлар янада кўпайган.

Ўза муҳбири уларнинг айримлари билан сўхбатлашди. Сяян ЛИНЬ, сайёҳ (Хитой):

– Хитой миллатига мансуб бўлсам-да, ўзбек оиласига келин бўлиб тушганим боис халқингизнинг урф-одатлари, анъаналари билан яқиндан танишман. Шу боис ишонч билан айтишим мумкинки, дунёда ўзбек миллатидек олижаноб, бағрикенг, меҳмондўст, кексаларга хурмат-эъзат кўрсатиш турмуш тарзига айланган халқ йўқ.

Айни пайтда меҳнат фаолиятини Хитойда давом эттиришман. Ўзбекистонга бу галги сафарим Наврўз арафасига тўри келганидан хурсандман. Ўзбекистонда Баҳорий байрамни кутиб олишга ўзгача ҳозирлик кўрилмақда. Насиб этса, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Наврўз шодиналарида иштирок этиш ниятидаман. Хитойга қайтгач, байрам таассуротлари ҳақида яқинларимга сўзлаб бераман.

Жон СТАЙРОН, сайёҳ (АҚШ): – Бундан тўрт йил аввал Самарқандда ўтказилган “Шарқ тароналари” халқро мусиқа фестивалида иштирок этганман. Бу қисқа муддат, лекин шу давр мобайнида мамлакатингизда амалга оширилган ижобий ўзгаришлар асрларга татигулик, десам, муболага бўлмайди. Амалга оширилаётган бунёдкорликлар натижасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти янада ортиб бораётганига гувоҳ бўлдим.

Нафақадаги ўқувчиман, қизиқишим сабаб дунёнинг кўплаб давлатларида сафар қилганман. Ҳар бир Ўзбекистонлик қалбида баҳорий кайфият ҳукмрон. Ана шундай кўтаринки руҳ Ўзбекистонни тарқ этмаслигини тилаб қоламан.

Александр КУДАШКИН, тадбиркор (Россия):

– Шарқ халқлари миллий байрами Наврўзнинг юртингизда нишонланиши, унга кўриладиган тайёргарлик ўзгача. Байрам диёрингизнинг ҳар бир гўшаси, қишлоғу шаҳрида кўтаринки руҳ, ўзгача тайёргарлик билан ўтади.

Наврўз – миллий удумлар намойиш этиладиган байрам. Ўзбекиона таомлар, сумалак сайиллари, байрам томошалари – барчаси кишига завқ улашади. Бундай тантаналар Ўзбекистонда туризмнинг тарихий, гастрономик ва бошқа йўналишларини оммалаштиришга хизмат қилади.

Кетрин ЛУИФ, журналист (Швеция):

– Ўзбекистонга илк бор келишим. Қасбим тақозосига кўра юртингизда ўтадиган Наврўз байрами ҳақида маълумотга эгаман.

Ушбу байрам ЮНЕСКО томонидан инсоният номодий маданий мероси рўйхатига киритилган. Бугун дунё ҳамжамияти эътибори Ўзбекистонга қаратилган. Жадал суръатлар билан олиб борилаётган ислохотлар халқро ташкилотлар томонидан эътироф этилмақда.

Мамлакатингизда бўлиб, бу эътироф ва эътиборнинг асосли эканига яна амин бўлдим. Беш кунлик саёҳатим давомида олган таассуротларим бир олам. Фурсатдан фойдаланиб, меҳмондўст, самимий Ўзбекистон халқини Наврўз байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ҳадича НУСРАТОВА

Фармон ва ижро

“KO`NGIL KO`ZI” ЛОЙИХАСИДА ЭЗГУ МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида “Ko`ngil ko`zi” лойиҳаси тақдироти бағишланган анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирдан кўзланган мақсад имконияти чекланган инсонларнинг ижтимоий мослашуви учун кулай шарт-шароит яратиш, кўзи ожиз ва заиф кўрувчиларни ўқув, бадий, илмий ва бошқа адабиётлар билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва халқро тузилмаларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори вазифасини бажарувчи Комилжон Алламжонов, “Кўзи ожизлар босма-хонаси” давлат корхонаси бош муҳаррири Рихсвий Аббосонов ва бошқалар юртимизда ногиронлиги бўлган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашига кўмак бериш ва ижтимоий ҳимоясига катта аҳамият қаратилаётганини алоҳида қайд этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги

бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бундай эзгу амалларнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлаётди. Ушбу ҳужжатга кўра, 51 банддан иборат Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш буйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Унда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, таълим олиши, махсус қасб-хунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштиришни таъминлаш ишлари амалга оширилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган махсус мактаб-интернатларнинг 12 тасида 3 мингдан ортиқ кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар тахсил олмоқда. Албатта, ушбу даргоҳлар болажонларнинг катта ҳаётга қадам қўйишида муҳим ўрин эгаллайди. Бироқ, кўзи ожиз болаларнинг эл қатори таълим олиши учун ҳали анча иш қилиш керак.

Биргина “Кўзи ожизлар босма-хонаси” давлат корхонасини олайлик. Ундаги ускуналар 1960–1980 йилларда ишлаб чиқарилган. Бинонинг ўзи 1967 йилда барпо этилган ва таъмирталаб аҳволда. Шу ҳолда болажонлар учун 18 номда дарсликлар ишлаб чиқариляпти. Ваҳоланки, айни кунда 48 номдаги дарсликлар зарур.

– Тақдим этилаётган “Ko`ngil ko`zi” лойиҳаси бу каби муаммолар ечимига муҳим роль ўйнайди, – дейди агентлик бошқарма бошлиғи Гулружор Ҳотамова. – Лойиҳанинг мақсади, биринчи навбатда, болалар ва ёшларни керакли ўқув, бадий, илмий ва бошқа адабиётлар билан таъминлаш учун кулай шароит яратишдан иборат. Шу билан бирга, “Кўзи ожизлар босма-хонаси” давлат корхонасининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш, ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳам лойиҳанинг асосий мақсадларидан.

Тадбир қатнашчиларига аудио-эрталарни ўзда жамлаган мосламалар ва Брайль ёзувида чоп этилган ўзбек халқ эрталари тўпламлари тақдим этилди.

Ўза



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қашқадарё вилоятидаги Яққабғ агросаноат қасб-хунари коллежида Темурийлар даври нақшу безаклари ва замонавийлик уйғунлигидаги “Китоблар уйи” ташкил этилди. Ушбу зиё масканидан 573 та бадий ва дарслик китоблари, тест саволлари жамламалари ўрин олган бўлиб, “Китоблар уйи” мунтазам равишда янги асарлар билан бойиб бормоқда.

• Андижон шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида “Наврўз садолари” V халқро халқ чолғу оркестрлари ҳамда кўп овозли ансамбллар мусиқа кўрик-фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги болалар мусиқа ва санъат мактабларининг кўп овозли миллий чолғу ансамбллари ва оркестрлари жамоалари миллий ва жаҳон мумтоз куйлари ижроси, янги ижодий услубларни қўллаш бўйича ўз иқтидор ва имкониятини намойиш этди.

• Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида ўзига бириктирилган маҳалла ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда алоҳида ўрнатилган профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари тақдирланди.

• Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Бойсун ва Сарийоғ туманларида уй-жойга муҳтож, кам таъминланган 17 оилага янги уйлар қалити тантанали топширилди. Юртимизда баҳор нафаси кезиб юрган шу кунларда уйлар фойдаланишга топширилиши ҳудудларда ўзига хос байрамга айланиб кетди. Янги уйли бўлган оилаларга катта қувонч, шодлик улашди. Бундан ташқари, 490 кам таъминланган оиланинг уй-жойи таъмирлаб берилди. Бунинг учун 5 миллиард 526 миллион 244 минг сўм маблағ сарфланди. 168 кишига тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармон воситалари харид қилиши учун 640 миллион 96 минг сўм йўналтирилди. 3 минг 10 оила 2 миллиард 968 миллион 660 минг сўмлик газ плитаси, газ баллонни, баллон редуктори, улаиш шланги билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

• Брекситга икки ҳафта қолганида Буюк Британия парламентида баҳс-мунозаралар қизгин тусга кирмоқда. Чунонки, агарда парламентнинг жамоалар палатаси 20 мартгача брексит бўйича ижобий қарор қабул қилса, мамлакатнинг Европа Иттифоқидан чиқиш жараимини 30 июнгача узайтирилади.

• Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳридаги мактабларнинг бирида рўй берган отишма натижасида 9 киши ҳалок бўлди. Ҳозирда воқеа сабаблари аниқланмоқда.

• Нигериянинг иқтисодий пойтахти Лагос шаҳрида жумладан, ўрта таълим мактаби ҳам жойлашган уч қаватли бинонинг қулаб тушиши натижасида 8 киши ҳалок бўлди, юздан ортиқ одамлар вайроналар тағида қолиб кетди. Ҳозирда вайроналар остида 22 киши қутқариб олинган. Қурбонлар сони кўпайиши мумкинлиги айтилмақда. Дастлабки таҳминларга кўра, бинонинг қулаши унинг сифатсиз қурилиш материалларидан бунёд этилганлиги сабаб бўлган.

ҚИСҚА САТРАРДА

• Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетиде “Очиқ эшиклар кунин” ўтказилди.

• Тошкент давлат юридик университети йирик халқро грант доирасида инновацион лойиҳа амалга оширилиб, унинг натижасида “Электрон университет” платформасини яратиш орқали юридик таълим олишга бўлган имкониятларни кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

• Шаҳримизда “Жинойтчиликка қарши бирлашмиш” шори остида тадбирлар ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирларни ўтказиш 15 майга қадар давом этади.

• Тошкент шаҳар ИИББ тезкор кўнгироклар учун иккита қўшимча (71) 232-30-40 ва (71) 232-40-50 телефон рақамларини ажратди.

• Юнусобод тумани ҳокимлигида “Отаналар университети” жамоат тузилмаси Низомини, унинг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш” мавзусида семинар тренинг бўлиб ўтди.

Ахборот-коммуникация технологиялари

ТОШКЕНТ МЕТРОСИДА ЙЎЛНИ ТЕЗРОҚ ТОПИШГА ЁРДАМ БERAДИГАН ИЛОВА

Тошкент шаҳар метрополитени нафақат пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойи, балки айни дамда энг қулай, ишончли ва тезкор транспорт тури ҳам ҳисобланади.

Ҳар куни пойтахт метрополитенидан камида 180-200 минг нафар киши фойдаланади. Метро станциялари ва вагонларида йўловчилар орасида нафақат гуруҳ бўлиб, балки яққа ҳолда ҳам шаҳар бўйлаб саёҳат қилаётган кўплаб хорижий сайёҳларни учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг олинган маълумотларга кўра, шаҳримизда "Яндекс. Метро" мобиль иловаси яратилди. Унинг ёрдамида пойтахт аҳолиси ва чет эллик меҳмонлар ўзларига керакли йўналишларни танлашлари, қайси бекатда бошқа йўналишга ўтиш мумкинлиги ва поездлар станцияга қанча вақтда етиб бориши ҳақида маълумотга эга бўлишлари мумкин. Бунинг учун мазкур илова фойдаланувчиси жўнаб кетаётган ва бориши лозим бўлган станцияни кўрсатиши керак бўлади. Дастур бошқа станцияга ўтиш ёки шаҳар-

га чиқиш учун энг қулай йўналиш ва вагонни автоматик равишда кўрсатади. Иловада ҳар бир станциянинг иш жадвали ва уларнинг шаҳар харитасидаги жойлашуви ҳам акс эттирилган. Шунингдек, унинг ёрдамида саёҳатчилар темир йўл ва автовокзалга ҳам осон етиб бориш имконига эга бўлади. Чунки бу жойлар иловада махсус белгилар билан ажратиб кўрсатилган.

Илова автоном тарзда, интернетга уланмасдан туриб ҳам ишлайди. Айни дамда Android ва iOS операцион тизимлари бўйича ишлайдиган смартфонлар ҳам ушбу иловадан фойдаланмоқда. Бунда фойдаланувчи ўз истагига кўра метродаги схема тили – ўзбек ёки рус тилини танлайди. Келгусида мазкур илова харитасига Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари ва бошқа қизиқарли манзиллар ҳам киритилади.

Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири

МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Республика вазирлик ва идоралари мутасаддилари, партия вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган йиғилишда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили, "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастурлари, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида аҳолининг кўплаб муаммолари ўз ечимини топаётгани таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг жойлардаги учрашувлари мобайнида юртимизда бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар, Президентимиз фармон ва қарорлари, парламентда қабул қилинаётган муҳим ҳужжатларнинг мазмун-маъноси ҳамда аҳамияти кенг тушунирилди, одамларнинг фикр-мулоҳазалари, тақлифлари ўрганилди. Ўз навбатида, сайловчилар билан учрашувларда аҳолини безовта қилаётган, ҳудуднинг ўзида ҳал этиш мумкин бўлмаган бир қатор масалалар ҳам борлиги аниқланди. Фракция томонидан мазкур масалаларни тизимли равишда кўриб чиқишга келишилди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоларининг жорий йил 26 феврал – 2 март кунлари сайлов округларида ўтказган учрашувлари ҳам очик ва эркин муло-

қот, амалий натижаларга бой бўлди. Учрашувларда 550 га яқин масала кўтарилган бўлса, шуларнинг 180 тасини жойида ҳал этишга эришилди. Фуқароларни иш билан таъминлаш, банк кредитларини олиш, пенсия ва нафақалар тўлови, паспорт олиш каби масалалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, 192 масала туман (шаҳар) миқёсида ҳал этилиши мумкинлиги юзасидан тегишли мутасаддиларга кўрсатмалар берилди. Вилоят даражасидаги 70 дан зиёд масалани эса вилоят ҳокимлари ва қатор ташкилот раҳбарлари билан ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Йиғилишда республика даражасидаги 80 та масала бевосита вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқа марказий ташкилотлар мутасадди раҳбарлари билан муҳокама қилинди. Айниқса, депутатлар томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш ва қамраб олишни кенгайтириш, ижтимоий нафақаларни тайинлаш, ички йўлларни таъмирлаш, ноиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уй-жой ва аҳоли турмуш тарзи билан боғлиқ бошқа қатор долзарб масалаларни бартараф этиш юзасидан тегишли масъуллар олдига аниқ вазифалар кўйилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Шу муносабат билан ташкил этилган тақдимот тадбирида таъкидланганидек, бугун ихтисослашган журналист кадрлар етиштириш масаласи соҳа олдида турган долзарб масалалардан биридир. Айни шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда илк бор ҳарбий соҳа вакиллари учун махсус журналистик ўқув курслари ташкил этилмоқда. Ҳарбий соҳа учун ихтисослашган журналист мудофаа ташкилотлари ва жанговар майдонда зарурий маълумотларни қайта ишлаш, замонавий ахборот технологияларининг барча сир-асрорларини яши ўзлаштирган ва тезкор ахборот еткази олиш кўникмасига эга бўлиши лозим. Шунингдек, ҳарбий журналистлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа қучлари ва ҳарбийлар томонидан амалга оширилган ишлар, соҳа хабарларини ОАВда ёритиб бориш, жисмонан ва ақдан кучли салоҳиятга эга бўлиши зарурдир.

Ҳарбий журналистика йўналиши икки босқичда амалга оширилади. Улар 4 йиллик бакалаврият таълим йўналиши ва 4 ойлик касбий қайта тайёрлаш курсларидир. 2019-2020 ўқув йилида ҳарбий журналистика йўналиши бўйича 20 нафар талаба ўқишга қабул қилинади.

Ҳарбий журналистика йўналиши бўйича соҳага йўналтирилган махсус ўқув режа ҳамда журналистика соҳаси билан биргаликда ҳарбий билим ва кўникмаларни шакллантирувчи ўқув дастурлари ишлаб чиқилган, – дейди ЎЗА мухбирига Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Нозима Муратова. – Шунингдек, жами 4 ойлик (576 соатлик) кас-

Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси ва Бангладеш Сайёҳлик компаниялари ассоциацияси ҳамкорлигида Бангладеш пойтахти Дакка шаҳрида мамлакатимиз туризм ва инвестициявий салоҳиятига бағишланган тақдимотлар ўтказилди.

БАНГЛАДЕШДА ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМ ҚИЛИНДИ

Тадбирларда йирик сайёҳлик агентликлари, жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари қатнашди. Иштирокчиларга юртимизнинг иқтисодий ва туризм соҳасидаги салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, юртимиздаги ислом маданияти марказлари, муқаддас қадимжолар ҳақида видеолар намойиш этилди.

Тадбирларда Ўзбекистоннинг зиёрат туризми борасидаги салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, юртимиздаги ислом маданияти марказлари, муқаддас қадимжолар ҳақида видеолар намойиш этилди.

– Бангладеш билан Ўзбекистон ўртасида анъанавий дўстона муносабатлар ривожланиб келган, – деди Бангладеш Сайёҳлик компаниялари ассоциацияси президенти Манзур Муршид. – Умумий тарихимиз ва ўзаро муштарак маданиятларимиз бунда муҳим ўрин тутади. Шу боис Ўзбекистоннинг бангладешлик сайёҳлар учун жозибаси баланд.

Юртимиз сайёҳлик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, виза тизими эркинлаштирилгани ва сайёҳларга кўплаб қулайликлар тақдим этилаётгани сайёҳлик компаниялари учун ҳам янги имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга Дакка ва Тошкент ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновлари йўлга қўйилган сайёҳлар оқимида салбий таъсир кўрсатмақда.

Хозирги вақтда Ўзбекистонга саёҳат қилмоқчи бўлган бангладешлик сайёҳ учинчи мамлакат, асосан, Ҳиндистон, Таиланд ёки Дубай аэропорт-

лари орқали Тошкентга етиб келади. Ўзбекистон ва Бангладеш ўртасида ҳаво қатнови йўлга қўйилиши нафақат туризм, балки савдо-иқтисодий муносабатлар ривожига ҳисса қўшади, халқларимизнинг янада яқинлашишига хизмат қилади.

Сайёҳлик компаниямиз асосан зиёрат туризмига ихтисослашган, – деди "Muna Travels and Tours Ltd" сайёҳлик компанияси раҳбари Муҳаммад Хилол. – Ушбу тадбирда Ўзбекистоннинг зиёрат туризми соҳасидаги имкониятлари ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлди. Уйлайманки, бу йўналишда ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлга қўйилади. Бу йилги мавсумдан бошлаб Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларга сайёҳлик гуруҳларини ташкил қилишни режалаштирганмиз.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда тайёрланди ЎЗА

Қарор ва ижро

"ЎЗБЕКЭНЕРГО":

ЭНДИ ЯНГИ ТИЗИМ САБАБ ТАЪМИНОТДА ЧЕКЛОВ БЎЛМАЙДИ

Бир кун хонадонимизда чироқ бўлмаса, ҳаёт тўхтаб қолгандай туюлади. Чунки ҳаётимизга мазмун киритадиган, дунёни тирикликка боғлайдиган ҳам электр энергиясидир.

Шу боис, мамлакатимизда электр энергиясидан оқилона фойдаланиш, уни тежаб ишлатиш, тармоққа янгиликларни жорий этиш айти кун мавзусига айланмоқда. "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, юртимизда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этмоқда. Унга кўра, ҳар бир хонадонга акциядорлик жамияти ҳисобидан электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди. Авваллари ҳудудлар учун электр сарфи тахминий ҳисобланиб, "лимит" ажратилар эди. Янги тизимда эса барча маълумотлар аниқ кўриниб туради. Бу таъминотда чекловнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур "ақли" ҳисоблагичларнинг яна бир хусусияти шундаки, маълумотларни сохталаштиришга уриниш, яъни ҳисоблагичга таъсир ўтказиш ҳолатлари юзага келса, у дарҳол ўчди ва тизимга хабар жўнатади. Энергия тўлови тўланмаган ҳолатда масофадан ўчиш хусусиятига ҳам эга. Яна бир эътиборли жиҳат – бу ҳисоблагичлар электр таъминоти корхонаси томонидан 10 йилда бир маротаба қиёсловдан ўтказилади.

Мутахассислар таъкидлашича, мамлакатимизнинг барча ҳудудидида мазкур тизимни жорий қилиш режалаштирилган. Жорий йил Тошкент шаҳрининг барча туманларида шундай замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатилди. Хозирги кунда шаҳарнинг Юнусобод туманида ушбу тизим амалиётга татбиқ этилмоқда.

Миллий матбуот марказида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан ўтказилган анжуман тармоқдаги бу каби янгиликлар, электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини татиқ этиш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлилга бағишланди. "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Феруз Қурбонов ва бошқалар мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 23 октябрдаги "Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар халқимиз фаровонлигининг муҳим омилли эканини таъкидлаб ўтди.

Мазкур ҳужжатга асосан 2021 йил якунигача 7 миллиондан ортиқ истеъмолчининг барчаси электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига улашни белгилаб берилган. Шунга мувофиқ, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида Жанубий Кореянинг "KT Corporation" компанияси ҳамда Кўкон, Ангрэн шаҳарлари "Toshelectroapparat" МЧЖ ХКнинг электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича замонавий ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Таъкидланганидек, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти "Обод қишлоқ" дастури ижросини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган йили Жиззах вилоятининг Манас кўрғонидида 1144 истеъмолчи замонавий электрон ҳисоблагичларнинг ўрнатиб берилиши ҳам шундай эзгу ишларнинг амалдаги кўри-нашидир.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА

ҲАРБИЙ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида ҳарбий журналистика касбий қайта тайёрлаш курси ва 2019-2020 ўқув йилида ҳарбий журналистика йўналиши очилади.

бий қайта тайёрлаш курсларининг махсус ўқув режаси ва дастурлари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда яратилди. Ўқув курсларида асосан журналистика билан боғлиқ назарий ва амалий машғулотлар, ҳарбий соҳага йўналтирилган фанлар ўргатилади. Ўқув жараёнига журналистика соҳасида кўп йиллик тажрибага эга профессор-ўқитувчилар, ҳарбий соҳанинг етакчи мутахассислари жалб этилади. Ҳарбий журналистика йўналишида таҳсил олиш истагидида бўлган абитуриентлар журналистика соҳасида талаб этиладиган тест, озгак сўхбат билан биргаликда жисмоний тайёрларлик синовларидан ҳам имтиҳон топиришади.

Бакалаврият йўналишида таҳсил олиш учун танлаб олинган талабаларнинг барчаси давлат гранти асо-

сида ўқишга қабул қилинади. Тўрт ойлик касбий қайта тайёрлаш курслари пуллик асосда бўлиб, ҳеч қандай чеклов ва имтиҳонлар йўқ, ўқиш истагидида бўлганлар аризалари асосида танлаб олинади.

Дастлабки ўқув курсларида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Божхона кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларининг ўқиши режалаштирилган.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўртасида келишув меморандуми имзоланди.

Инобат АХАТОВА

Муносабат

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА КЕНГ ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТАДИ

Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори юртимиз аёллари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Хусусан, ушбу муҳим ҳужжатда хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор кафолатлар, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлашга ҳамда меҳнат фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган имтиёз ва имкониятлар белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг вазифалари қайта кўриб чиқилди. "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди, шунингдек, "Мўътабар аёл", "Ижодкор аёллар", "Ташаббускор аёллар", "Аёл ва саломатлик", "Фахрий аёллар" жамоатчилик уюмлари фаолияти йўлга қўйилгани, "Илти ёли", "Ибратли оила" танловлари мунтазам ўтказилаётгани хотин-қизларга юксак эътибордан далолат беради.

Шунингдек, Хотин-қизлар кўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида "Ҳуқуқшунос аёллар", "Илм-фан ва аёл", "Ижодкор аёллар", "Ташаббускор аёллар", "Аёл ва саломатлик", "Фахрий аёллар" жамоатчилик уюмлари фаолияти йўлга қўйилгани, "Илти ёли", "Ибратли оила" танловлари мунтазам ўтказилаётгани хотин-қизларга юксак эътибордан далолат беради.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 1 майдан аёллар меҳнатини муйаян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқларнинг бекор қилиниши, аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхатини тасдиқлаш амалиёти жорий этилиши, бола парварлишида таътили бўйича қўшимча имтиёзлар берилиши хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, иш пайтида икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбиялаш билан шуғулланадиган ота-оналарга имтиёзлар, хусусан, дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишилган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда муҳим кафолат бўлапти.

Давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вуждида келган ишловчи аёллар билан тузилган ноумайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш амалиётининг тақиқланиши ҳам хотин-қизларнинг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига хизмат қилади.

Президент қарорига мувофиқ "Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари" ташкил этилган узоқ муддат бола парварлишда таътиллаб бўлган, мушкул иқтисодий аҳолига тушган аёлларни касблар бўйича қайта тайёрлашга кўмаклашиш, аёлларнинг бизнес юритиш кўникмаларини шакллантириш, уларга маслаҳатлар бериш ва амалий ёрдам кўрсатишда янги тизим яратилаётганидан далолат беради.

Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия тузилди. Унинг асосий вазифалари сирасига гендер тенгликни таъминлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан аёлларнинг гендер тенглиги бузилишига оид муножиратларини кўриб чиқиш, касбий сегрегация, иш ҳақи ўртасидаги фарқ, аҳолининг иқтисодий фаол қатлами орасида аёлларнинг улушини кўпайтириш масалалари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллари ҳарҳам бериш бўйича умумэътироф этилган халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш, аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган чораларни белгилаш ва самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда кенг қамровли тарғибот ишларини ташкил этиш киритилди.

Қарор асосида "Эркалар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ва "Хотин-қизларни таълим ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқиши ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида гендер тенгликни таъминлаш, таълим ва зўравонликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

БМТнинг Статистика комиссияси томонидан тавсия этилган минимал гендер кўрсаткичларига оид маълумотларни gender.stat.uz сайтида жойлаштириб бориш ва доимий равишда янгиллаб туриш амалиёти фақат Ўзбекистонда мавжуд. Мамлакатимиз БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллари ҳарҳам бериш тўғрисидаги конвенциясига Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб қўшилди ва бу муҳим халқаро ҳужжат талабларига тўла риоя этапти.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг мазкур қарори мамлакат хотин-қизларига кенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиши, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириши ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга йўналтирилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Динара ХОШИМОВА, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги институти кафедра бошлиғи, Гузал МАХАММАДЖОНОВА, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги институти ўқитувчиси

Ўлкамизда Наврўз нафаси



АЗАЛИЙ АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида Наврўз садолари, куй-қўшиқлар, лапарлар янграмоқда.

Турли маданий кечалар, байрам тадбирлари, фестиваллар ўтказилмоқда. Ободончилик, кўлкамзорлаштириш ишлари авжга чиққан.

Халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларини сақлаш, ўзликни англаш, ёшлар онгида ватанпарварлик ғояларини шакллантириш ва сингдириш, маънавий ҳаётда диний бағрикенгликни кенг тарғиб қилиш каби хайрли ишларни дастурамал қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам Наврўз тадбирларини ҳар йилгидан ўзгача шухуҳ билан нишонламоқда.

Шу кунларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан пойтахтимизда "Яшил ташаббус" акцияси ҳамда "Hashar week" экологик ҳафталиги ўтказилмоқда. Акция 25 мартга қадар давом этади ва унинг доирасида қарийб 500 мингга яқин мева ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказиш белгиланган. Акцияда давлат идоралари, нодавлат ташкилотлар ҳамда фуқаролар иштирок этмоқда.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникасида "Яшил ташаббус" ва "Hashar week" акцияси доирасида ҳашар ўтказилди. Унда партиянинг шаҳар ва туман Кенгашлари вакиллари ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлари фаол иштирок этди.

Кимдир кўчат ўтказди, кимдир экилган дарахтлар тагини юмшатиб, сув қуйишга қарашди, бошқалар атрофни тозалаш, ободонлаштириш ишларига ёрдамлашди. Хуллас, барчага иш топилди.

Айни тадбирлар юртимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

Б.МЕЛИКУЛОВА

Табобат оламида

БАҲОР НЕЪМАТЛАРИ

Ўзбек пазандчилиги ошқўк ва зирavorлар кўп ишлатилиши билан ҳам шухрат қозонган. Чунки улар таомларни лаззатли, тўйимли қилибгина қолмасдан, инсонларга қувват ҳамда шифо бахш этади.

Этиборли томони, юртимиз табиати бундай неъматларга жуда бой. Айни кўлкам чоғида улар асосида турли егуликлар тайёрлаб истеъмол қилинса, киши организмнинг дармондориларга бўлган талаби қондирилади. Куйида шундай наботот намуналари, уларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида маълумот берамиз.

БОЙЧЕЧАК

Баҳор дарахчиси бинафша — серхосият ўсимлик. Унинг илдизи ва поясида турли малҳамлар тайёрланади. Мисол учун, ўпка касалликлари, айниқса, изтироби йўтал ҳамда кўк йўтални даволашда ушбу чечак илдизи қайнатмаса қўлланилади. Шунингдек, у буйрак ва қовуқдаги тошлардан фориг бўлишга ҳам ёрдам беради.

Ундан куйидагича қайнатма тайёрланади: 2 гр. бинафша илдизи 200 гр. сувга солиниб, 15 дақиқа давомида паст оловда қайнатилади. Сўнгра сузиб олиниб, 2-3 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

Мазкур қайнатма ўпка эмфиземаси, бод ҳамда пешоб тутга олмаслик ҳолларини бартараф этишда ҳам самарали ҳисобланади. Муртақ безлари яллиғланган ёки грипга чалинган кишилар ушбу қайнатма билан озиз чайса, кифоя. Бинафша гулбарги ва бандининг шарбатида 3 мисқол (1 мисқол — 4,25 гр.) шакар қўшиб истеъмол қилинса, сафродан халос этади, ичак фаолиятини яхшилаб, томоқнинг нохуш қичишига барҳам беради.

ТЕНГИ ЙЎҚ МАЛҲАМ

Асаби тез бузиладиган, ҳиззаки кишилар баҳор неъмат — селдери (қаръафс) кўжатида кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади.

МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАР — САОДАТ КАЛИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорда ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарошини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат, садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда китобхонлик маданиятини ошириш беқиёс аҳамиятга эгаллиги қайд этилган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг "Уч илди" романи янги нашри китобхонларга тақдим этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари раиси ўринбосари Файрат Мажид, академиклар Тўра Мирзаев, Бахтиёр Назаров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва бошқалар "Уч илди" романининг мазмун-моҳияти, ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг "Уч илди" романи 1958 йилда чоп этилиб, неча ўн йиллар мобайнида қайта-қайта нашр этилган ва миллионлаб китобхонлар қалбидан жой олган эди, — дейди ЎзА муҳбирига Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари Мeros комиссияси масъул котиби Тўлқин Эшбек. — 2010 йилда адиб мазкур асарини замонга пайваста ҳолда тахрир қилиб, янги бир боб қўшди. "Камалак" наشريётида лотин алифбосида чоп этилган мазкур романда бугунги ёшлар учун тушунарли бўлиши учун айрим сўзларнинг изоҳлари ҳам берилган.

Айтиш жоизки, мазкур роман талабаларга китоб ўқиш, дарс тайёрлаш масъулияти ва маданиятини, ҳаётда муносиб ўрнини топиш йўллариини ўргатса, ўқитувчиларга ўз устида қандай ишлаш, ёш илм толиблари билан қай тарзда муносабатда бўлиш борасида ҳам катта

сабоқ беради. Асарни кунт билан мутолаа қилган ўқувчи XX аср ўрталарида яшаган авлоднинг билим ва савияси, илм олишга интилиши, дунёқароши билан ўз замондошларини қиёслаб кўриш ҳамда ҳулоса чиқариш имконига эга бўлади. Зотан, бу романи теран нигоҳ ила ўқиганлар маънан бойиб, ҳаётда оқу қорани ажратишда, эзгулик йўлини танлашда адашмайди.

Романининг "Уч илди" деб номланиши замирида ёшларнинг камолотга эришишида аввало учта маънавий илди бўлиши ғояси ётибди. Биринчиси, пухта билим олиш, иккинчиси, ҳақиқий инсон бўлиш ва учинчи илди — муҳаббатга асосланган оила қуриш. Хар бир инсон шу тариқа бахт-икболга эришиши мумкин, — дейди Ўзбекистон Миллий университети Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, тарихчи олим Аброр Хидиров. — Бу роман воқеаларига айнан бизнинг университетимиз тарих факультетида 1950-55 йилларда юз берган воқеа-ҳодисалар асос қилиб олинган. Ўйлайманки, бугунги талаба-ёшлар романи кунт билан мутолаа қилиб, аввало, ана шундай маънавий илдилар отишга ва бахтли яшашга интилади.

Адабиётшунос олимлар, адиблар бу мавзуда талабаларни қизиқтирган саволларига жавоб қайтарди.

Озода БЕКМУРОВОДА

"НАВРЎЗ" КИТОБ БАЙРАМИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида "Наврўз" китоб байрами бўлиб ўтмоқда.

Мазкур хайрия акцияси доирасидаги юртимизда сўнгги вақтларда чоп этилган китоблар кўргазмаси, таниқли адиблар билан учрашувлар, баҳс-мунозаралар, китоб хайрия акциялари ва байрамона дастурлар кўпчилиқда қизиқиш уйғотмоқда.

Китоб байрами доирасида Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш марказига бемор болалар учун 300 га яқин бадиий китоб тақдим этилди. 15-18 март кунлари пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғларида китоб ярмаркалари ўтказилди.

(ЎЗА)

ВАТАН — МУҚАДДАС САЖДАГОҲ

"Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонасида "Биз ватанпарварлармиз!" шиори остида тадбир ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилиб, унда ташкилот ҳодимлари ва бошланғич ташкилот аъзолари иштирок этди.

Сўзга чиққан "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонаси раҳбари Даврон Норов, "Ўзбекистон" телеканали "Истикбол" студияси бўлим бошлиғи Нозима Воҳидова ва бошқалар Ватан — муқаддас саждагоҳ каби муқаддаслиги, Ватан борки, ор-номус, қадр-қиммат бор, ғурур ва ифтихор, иймон-этиқод мустаҳкам ва барқарорлиги, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни кўз қорачигидай асраш,

ёшларимизни бу борада амалга ошириладиган эзгу ишларнинг муҳим давомчилиги этиб тарбиялаш зиммаимиздаги энг муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Тадбирнинг асосий мақсади ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан олиб бериладиган ислохотларга дахлдорлик туйғусини тарбиялаш ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, берилган имконият, шарт-шароитларни аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга қаратилди. Дарҳақиқат, бугунги кунда ёшларимиз томонидан Ватанимиз равнақи учун амалга ошириладиган илм-фан йўнали-

шидаги юсак ютуқлари, ихтиролар, чет давлатларда ўқув таҳриба ошириб келадигани таҳсинга сазовор. Ўзларининг ютуқлари билан давлат муқофотлари сазовор бўладиган ёшларга ҳавасинг келади. Шу ўринда ёшларга меҳр-оқибат, ватанпарварлик туйғуларини сингдириб, ота-боболаримиздан қолган урф-одатларни қадрлаш, Ватан муқаддаслиги, уни кўз қорачигидай асраб-авайлаш муҳимлигини ўқитиш лозим.

Тадбир давомида "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонаси фахрий педагоглари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Зиёда РАСУЛОВА

PEFA: ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР ВА САМАРАДОР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ЭГА

Тошкентда Жаҳон банки ва Европа Иттифоқи кўмағида олиб борилган Ўзбекистонда давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик (PEFA)ни баҳолаш натижалари тақдимоти ўтказилди.

Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи экспертлари иштирок этди.

PEFA кўмағида давлат маблағларини бошқариш самарадорлигининг пухта, изчил ва аниқ маълумотларга асосланган таҳлили амалга оширилади. Ҳозирги кунга қадар 150 мамлакатда халқаро стандартлар ва илғор тажрибалар асосида 600 дан ортиқ ана шундай баҳолаш ўтказилган.

Мамлакатимизда давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик бўйича олиб борилган таҳлиллар соҳада тараққиёт кўрсаткичларини баҳолаш ва мавжуд тўсиқларни аниқлаш имкони ни бериши билан аҳамиятли.

Ўзбекистонда бундай ўрганиш илк бор 2012 йилда олиб борилган. Жаҳон банки ва Европа Иттифоқи экспертлари 2018 йил сентябрь ойидан жорий йил январига қадар навбатдаги баҳолашни ўтказди.

Тақдимотда баҳолаш натижалари эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон барқарор ва самарадор давлат бюджетига эга. Шунга қарамай, мамлакатимиз олдида давлат активлари ва мажбуриятларини бошқаришни яхшилаш, ўрта муддатли бюджетни ривожлантириш, фискал стратегияни ишлаб чиқиш, давлат маблағлари харажатлари очиқлигини таъминловчи ишларни давом эттириш вазифалари турибди. Бундан ташқари, ҳисоб-китоб ва аудит соҳасида халқаро стандартларни жорий қилиш зарурати ҳам бор.

— Ўзбекистонда 2017 йилда бошланган ислохотлар ўз самарасини бера бошлади, — деди Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Эдуардс Стипрайс. — Буни PEFAнинг баҳолаш натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Яъни 2012 йилги кўрсаткичлар билан солиштирилганда, Ўзбекистонда юқори ўсиш суръатлари эришилган.

Тадбирда Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Мори баҳолаш натижалари давлат маблағларини бошқаришнинг янада самарали тизимини яратиш, давлат бюджетининг очиқлиги эса инвестициявий жозибадорликни оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистонда PEFAнинг жорий баҳолаш натижалари мамлакатимизнинг 2018 — 2025 йилларга мўлжалланган Давлат маблағларини бошқаришни ислоҳ қилиш стратегиясини янгилашда қўлланилади.

Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎЗА муҳбири

КИМЛАРГА ТЎЛОВ-ШАРТНОМА ПУЛЛАРИ ТЎЛАБ БЕРИЛАДИ?

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этилган "Иттифоқ таълим гранти" лойиҳасига доир ҳудудий комиссия ййғилишлари бўлиб ўтди.

Комиссия аъзолари томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-шартнома асосида таълим олаётган чин етим, имконияти чекланган ҳамда Меҳрибонлик уйида тарбияланган, боқувчисини йўқотган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан тўлов-шартнома маблағларининг 50 фоизигача бўлган миқдорини тўлаб бериш бўйича мурожаат қилган талабаларнинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилди.

Комиссия аъзоларининг якуний ҳулосаларига кўра, жами 367 нафар номзод орасидан 203 нафар талабанинг ҳужжатлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг Республика комиссиясига тавсия этилди. Жумладан, Тошкент шаҳридан 32 нафар, Самарқанд вилоятидан 31 нафар, Сурхондарё вилоятидан 22 нафар, Қорақалпоғистон Республикасидан 20 нафар, Бухоро вилоятидан эса 18 нафар ёшнинг топширган ҳужжатлари ҳудудий комиссия ййғилишидан муваффақиятли ўтди.

Шунингдек, Қашқадарё ва Навоий вилоятларидан 17 нафардан, Фарғона вилоятидан 10 нафар, Жиззах вилоятидан 9 нафар, Наманган вилоятидан 8 нафар, Хоразм вилоятидан 7 нафар, Андижон вилоятидан 6 нафар ҳамда Тошкент вилоятидан 4 нафар, Сирдарё вилоятидан 2 нафар иштирокчининг ҳужжатлари ҳам мазкур лойиҳанинг якуний босқичида ўрганилади.

367 талабадан 164 нафарининг ҳужжатлари Низом талабларига жавоб бермагани учун Республика комиссиясига тақдим этилмади.

Номзод талабаларнинг ҳужжатлари Республика комиссияси томонидан "Иттифоқ таълим гранти"га лойиқ деб топилса, тўлов-шартнома маблағларининг 50 фоизигача бўлган миқдори жорий йилнинг 20 мартига қадар тўлаб берилади.

"Иттифоқ таълим гранти" лойиҳаси совриндорларини аниқлашда асосий эътибор талабанинг айни вақтдаги ижтимоий-моддий аҳоли, жамоатчилик ишларида фаоллиги ва эришган ютуқларига қаратилди.

(ЎЗА)



ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

*Файз-тароват ила кириб келаётган Наврўз
умумхалқ байрами барчангизга муборак бўлсин.
Тинчлик-хотиржамлик, эл-юрт фаровонлиги
йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда
омад ёр бўлишига тилакдошимиз.
Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнайверсин!*

**“ЎЗСТАНДАРТ” АГЕНТЛИГИ ҚОШИДАГИ
ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ,
СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ
ВА МЕТРОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК
ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШНИ
ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ ЖАМОАСИ**



“КЕЛАЖАК МАИШИЙ ТЕХНИКАСИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*янгилиниш ва яшариш айёми ҳисобланмиш
Наврўзи олам билан қадрли ҳамшаҳарларимизни табриклаб,
Сизларга самимий, эзгу тилакларимизни изҳор этамиз!
Наврўз қалбларимизга қувонч, хонадонларимизга
хотиржамлик ва бахту иқбол олиб келсин.
Озод ва обод диёримиз бундан-да гуллаб-яшнайверсин.
Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!*



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! “ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ ЖАМОАСИ

барчангизни халқимизнинг севимли байрамларидан бири бўлган Наврўзи олам билан самимий қутлайди.
Ушбу қутлуғ кунларда мустақил юртимиз аҳлига энг эзгу тилакларимизни билдираемиз:
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.
Хонадонларимиздан шодлик, қувонч аримасин.
Мамлакатимизда тадбиркорлик тараққий этсин.
Сизларга хизмат қилаётганимиздан мамнунмиз.



“LAZZATLI TAOM ZIRAVORLAR” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барча ҳамшаҳарларимизни азалий
қадриятларни ўзида жамлаб олган
Наврўзи олам билан самимий табриклайди.
Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга,
бутун юртимизга тинчлик-омонлик,
файзу барака олиб келсин.
Янгиланиш ва яшариш фасли
қутлуғ бўлсин, азизлар!*



РЕКЛАМА ЎРНИДА

ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Гўзаллик ва нафосат байрами
– Наврўзи олам билан "Toshkent metropoliteni"
унитар корхонасининг аҳил жамоаси сизларни
энг эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда табриклайди.
Қалбингизда уйғонган ёруғ ниятлар ижобат бўлсин.

Хонадонларингизга шод-хуррамлик
доимо ҳамроҳ бўлишига тилакдошимиз.
Сизларга хизмат кўрсатишдан
мамнунлигимизни изҳор этамиз.

Барчангизни баҳорий кайфият тарк этмасин!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА ТИББИЁТ ҲУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ

барчангизни яшариш ва янгилашиш
рамзи бўлмиш Наврўз умумхалқ байрами
билан энг самимий тилакларни изҳор
этган ҳолда самимий муборакбод этади.
Гўзаллик ва нафосат айёми ҳар бир хонадонга
шодлик ва қувонч, файзу барака
улашишига тилакдошимиз.
Юртимиз тинч, истиқболимиз
порлоқ бўлсин!

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни ўлкамизга қутлуғ қадамлари
ила кириб келаётган яшариш, янгилашиш рамзи ҳисобланмиш
фасли навбахор ҳамда қадимий ва ҳамisha навақирон
байрамимиз Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!
Яратувчанлик завқи билан яшаётган халқимизга она Ватан тинчлиги,
кўнгиш ободлиги ва оилалар бахтиёрлиги ҳамisha ҳамроҳ бўлсин.
Хайру саховатга тўла, эзгуликка ёндош, яхшиликка
йўғрилган барча ишларингизда зафарлар тилаймиз.
Наврўз ўз қадамларида бахт, омад ва
янада қувончли кунларни олиб келсин!

"IFFATLI KELIN" НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ЖАМОАСИ



ўлкамизга ҳусну тароватини ёйиб кириб келган фаслар
келинчаги баҳорнинг гўзал айёми – Наврўз олам билан азиз
ҳамшаҳарларимиз, ҳурматли опа-сингилларимиз
ва пойтахтимиз меҳмонларини самимий муборакбод этади.
Сизларга меҳнат фаолиятингизда муваффақият ва келажак
мақсадларингизга эришишингизни, соғлиқ-саломатлик,
қувонч ва кўнгиш хотиржамлигини тилаймиз.
Баҳорий кайфият Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур шоҳ
кўчасида жойлашган "НУМО" автосалони рўпарасида
ги автобус бекати ёнида жой ажратилдиган, "Узсано-
атқурилишбанк" АТБ тизимидаги филиаллар таркиби-
да банк хизматларини масофавий кўрсатувчи 24/7 ти-
зимда ишлайдиган шохбчаларни ташкил этиш учун
Давлат экспертизасининг хулосасига кўра, лицензия-
си бор, камида 5 йил тажрибага эга қурилиш ташки-
лотлари ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисида-
ги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш
мумкин: Тошкент шаҳри, Уч қаҳрамон кўчаси, 7-уй.
Телефонлар: (371) 221-00-01, 221-82-09.
Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳи-
да конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тас-
диқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун
муддат ичида қабул қилинади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 30, 16А-
уйда жойлашган "Узсаноатқурилишбанк" АТБ Ал-Хо-
размий филиали биносидаги мавжуд газ ҳисоблаги-
чини замонавий "Ултрамаг G65" русумли электрон
ҳисоблагичга алмаштириш ва унга модем қурилмаси-
ни ўрнатиш ва монтаж ишларини амалга ошириш учун
маҳсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисида-
ги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш
мумкин: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор
30, 16А-уй.
Телефонлар: (71) 287-54-41, (71) 270-02-52.
Нархлари фоизда кўрсатилган тижорат таклифла-
ри алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри
билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан
бошлаб 7 календарь кун муддат ичида қабул қили-
нади.

Тошкентимизда тирик табиатнинг кўрки бўлган ўсимликлар, қушлар ва ҳайвонот оламининг айрим турлари ҳам яшайди. Фақат улар табиий шароитда эмас, шаҳар шароитида яшаётганлари учун бизнинг меҳримишга, гомхўрлигимизга жуда муҳтож.

Мен қиш тугаб, баҳор ташриф буюраётганини балкониимиз тоқчасига эрталаб қушлар учиб келиши камайганидан биламан. Чунки қушлар баҳор келиши билан ўз ризқларини териб ейиш имкониятига эга бўлади. Қиш давомида эса улар эрталаб балкониимиз тоқчасига селиб кўйилдиган нон увюқлари, дон-дунлар билан озиқланишади. Эсимда, қиш қаттиқ келган йил, атрафни қалин қор қоплаган, ўғлим ва қизим ҳали ёш эди. Бозорга бордим, саб-забот-меваларни ва бошқа нарсаларни олдим. Гуруч қимматлашгани учун икки килогина харид қилдим. Уйга қайтиб, олган нарсаларни ошхонага қўйиб чой ичгани бошқа хонага ўтдим. Болаларим баҳшлаётганини, балкон эшиги очилиб-ёпилаётганини эшитдим. Чой ичиб бўлиб, ошхонага кирганимда қизим халтада қолган озгина гуруч олиб балконга чиқаётганини кўрдим. "Қаёққа қизим?", деб сўрадим. Қизим: "Акам, қушларга икки марта дон берди, мен ҳам уларга икки марта дон сепишим керак", деди-да балконга чиқди ва балкониинг узун тоқчасига қолган гуручнинг сиқиллаб қўйиб чиқди. У ошхонага кириши билан балконда қушлар базми бошланди.

Билгандирсиз, дарҳол "Фарҳод" бозори қайдасан?" деб йўлга тушдим. Бу гал савдони пухта қилдим. Гуруч билан бирга буғдой ҳам сотиб олдим. Ҳа, биз қиш кунларида балкониимиз тоқчасига нон увоғи, дон-дун сепиши унутмаймиз. Эрталаб учиб келган қушлар уларни чўқилашади ва чуғурлашади. Биламизки, қушлар бизга "рахмат" дейишмоқда. Ҳар йил баҳор келиши билан шаҳримизда ҳам кўкаламзорлаштириш ишлари бошланади, кўчатлар, гуллар экилади, майса уруғлари сепилади. Агар уларнинг ҳаммаси унинг-ўсганда Тошкентимиз ям-яшил боғу бўстонга айланарди. Афсуски, экилган баъзи ўсимликлар ёзга бориб сувсизликдан сарғаяди, саратон жазирамасида қовжирайди. Чанқаган ўсимликларни сугориш ўрнига "Келгуси йили ҳам кўчат экиш учун атайин унмайдиған кўчатларни экишган" дейдиган кимсалар ҳам топилади.

Бу иддао бўлган эканини исботлаш учун оддий мисол келтирсан. Тўрт йил олдин уйимиз атрофидаги йўлда сувсизликдан сарғайган бир ярим қаричлик арчага кўзим тушди. Уйга қайтиб, идиш-

да сув олиб чиқиб шу арча тагига қўйдим. Арча жонлана бошлади. Кўчатларни эрталаб сугорган маъқул. Эрталаб идишда сув олиб чиқиб, ўша арчани сугордим. Нарироқ йўлдаги қўшни спортча кийиниб машқлардан қайтаётган экан. Уйладим, қандай қилиб у қовжирётган ўсимликлар олдида бемалол шуғулланади? Идишда сув олиб, бир-иккита кўчатни сугорса бўлмасмикин? Битта балконда майкачан киши сигаретани бурқ-

Табиатни асранг

ЁН-ВЕРИМИЗДАГИ "ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ"

ситиб чекиб, ҳавони ифлосланттирарди. Қанийди, шу одам ҳам идишда сув олиб чиқиб, бошқа кўчатни сугорса? То куз келиб, ёмғир мавсуми бошлангунча шу манзара давом этди. Кейинги ёзда ҳам арчага сув қўйишни қанда қилмадим. Сафарга кетган вақтларимизда танаффус бўлди. Бироқ, сафардан қайтишим билан арча тагига сув қўйдим. Арча яшнаб кўкарди.

Ўтган йили ҳам арчани сугоришни унутмадим. Сизга таниш манзара ҳам давом этди. Спортча кийинган қўшнимиз бир ишни қойиллатиб қўйгандай ёнимдан ўтиб кетаверди. Зинҳор-базинҳор унинг бир идишда сув олиб чиқиб, кўчатга сув қўйганини кўрдим. Тўри, жисмоний тарбия – саломатлик гарови. Бу одам касаллигини даволаш учун жисмоний тарбия билан шуғулланаётгандир. Аммо унинг касали оғир. У табиатни асраш керак, деган давлатни эшитмайдиган касалликка йўлиққан. Ҳозирги кунда арчанинг бўйи мендан бир ярим баравар баянд, қарасангиз кўзларингиз яшнайди. Унинг ёнидан ўтаётганимда менга "рахмат" айтаётганини эшитаман.

"Муствақиллик" метро бекатидан чиқиб, "Матбуот уйи" томон юганимда хиёбондаги дарактларга ва улар тагидаги майсаларга қарайман. Баъзан олмахонларга кўзим тушади, яйраб кетаман. Мен ҳарбий хизмат давримда Россия ўрмонларида шохдан-шоҳга сакраб ўйнаётган олмахонларни кўриб завқланганман. Лекин дунё ўрмонларида ўйнаётган чиройли олмахонларга ҳам Тошкент хиёбонидagi шу олмахонларни

алишмайман. Чунки бу олмахонлар ўзимизники, Тошкентимиз олмахонлари. Олмахонлар ҳам уларни қадрлашимни сезишади, менга қараб унсиз товушда "рахмат" айтишади.

Олмахонларнинг битта фазилатини жуда қадрлайман, улар тозаланикни яхши кўришади, ерда юришдан кўра дарактларнинг шохларидан-шоҳларига сакрашади. Шукрки, пойтахтимиз кўкаламзорлашмоқда, йилдан йилга чирой очмоқда, ҳавоси тозаланиб бормоқда. Шунинг учун тозаланикни яхши кўрадиган олмахонлар шаҳримиз марказий хиёбонида яшашпти. Шаҳримиз бундан ҳам гўзал бўлиши учун ҳар йил баҳорда ўтказиладиган кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашайлик, ёз бошланиши билан эркан

кўчатларимизни сугоришни қанда қилмайлик. Агар ҳар биримиз ёзда "сув, сув" дея илтижо қилаётган уйимиз атрофимиздаги битта кўчат тагига сув қўйиб турсак, қанча кўчатларнинг томирлари ёзилади, бўйи чўзилади. Шунда шаҳримиз ям-яшил боғга айланиб, ҳавоси янада мусафлашадиган.

Бундан эллик йиллар илгари радиоэшиттиришда танилиқ геолог олим, академик Иброҳим Ҳамробоев "Тоғдаги бирон тошни ўрнидан кўзгагиш ҳам шу жой табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатади", дея куйиниб гапирганди. Ўттиз йиллар муқаддам ботаник олимдам интэрвью олишга борганимда, "Сахрои кабир қандай пайдо бўлганини биласизми?" дея сўради ва ўзи жавоб берди: "Сахрои кабир ўша жойда битта гиёҳни сабасиз олиб ташлагандан кейин сахролаша бошлаган".

Дарҳақиқат, яқинда Ернинг сунъий йўлдоши орқали олиб борилган илмий қўзатишлар Сахрои кабир қум қатламлари остиде шаҳар қолдиқлари борлигини тасдиқлади. Шу боис унутман, бирон кўчатни, ҳатто унинг битта шохини беҳуда синдириш, қушларга тош отиш, беозор олмахонларни чўчитиш ҳам табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Шаҳримиз ўзимизники бўлгандай, бағрида яшаётган ўсимликлар, қушлар ва ҳайвонот оламининг ҳам ўзимизники. Уларни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг зиммасида. Биз табиатни қанча асраб-авайласак, табиат бизни шунча кўп муқофотлайди. Ишонинг, шундай кун келади, тонгда деразангиз тагида гуркираб ўсган дарактдаги япроқлар қарсақ чалиб, новдаларига кўнган қушлар чуғурлашиб, олмахонлар шохдан-шоҳга сакраб сизга "РАҲМАТ" айтади. Сиз уларни мазза қилиб тинглайсиз.

Асрор МҮМИН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ЯХШИЛАР ЁДИ ЎЧМАГАЙ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Жонрид Абдуллоҳоновнинг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

Тадбир иштирокчилари адабнинг самарали ижоди ҳақида илиқ фикрлар билдирди, унутилмас хотираларни ёдга олди.

Адабиётимизга ўтган асрнинг 50-йилларида бир гуруҳ истеъдодли ёш ижодкорлар кириб келди. Улар орасида Жонрид Абдуллоҳоновнинг ҳам ўзига хос муносиб ўрни бор. У 1929 йили Наманган вилоятида оддий меҳнаткаш оиласида дунёга келган.

Жонрид Абдуллоҳонов аввал Ўрта Осиё давлат университетининг журналистика факультетини, сўнг Москвадаги Олий адабиёт курсини тугатди. Бир томондан Ойдин, Саид Аҳмад, Ҳамид Фулом, Ҳаким Назир, Туроб Тўла, иккинчи томондан Константин Паустовский, Степан Злобин каби адаблар унга устозлик қилди. Радио ва телевиденидаги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги ижодий муҳит унинг ёзувчи бўлиб шакллани-

шида муҳим роль ўйнади.

Жонрид Абдуллоҳоновнинг "Мактабдошларим", "Ҳикоялар", "Тўйга келинлар", "Тонг ёришган соҳилда" каби шеърли ва ҳикоялар тўпламлари нашр этилди. Унинг "Гулчехра" (1962) қиссаси қурилиш-бунёдкорлик ҳақида эди. Адибнинг биринчи йирик эпик асари "Йўл" романи ҳам худди шу бунёдкорлик, инсон ташвишлари, ҳаёт кечинмалари ҳақида ҳикоя қилади. Шундан сўнг муаллифнинг кетма-кет "Борса-келмас", "Хонадон", "Суиқасд" каби романлари чоп этилди.

"Тўфон" ишчилар синфи ҳаётидан ҳикоя қилса, "Борса-келмас" романида Орол денгизи муаммоси, она табиат муҳофаза масалалари ўз ифодасини топган. Адибнинг "Оҳ, ўша кўзлар" тўпламидан сўнгги йилларда яратган ҳикоялари, жангма ва хотиралари ўрин олган.

Гулноза БОБОЕВА

ГИЛАМЛАРНИНГ НАФИС ЖИЛОСИ

Ўзбекистон Амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида "Гиламлар жилоси" номли кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмада музей фондида сақланаётган XIX-XXI асрларга оид гиламлар коллекциясининг 30 дан ортққ намунаси томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Улар гиламдўзликнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон ва Қорақалпоғистон ҳудудларида яратилган намуналаридир. Эътиборга молиқ жиҳати,

миллий ҳунармандчиликнинг ушбу тури билан асосан бувиляри-миз, онахонлар, опасингиллар шуғулланиб келган.

Миллийлигимизни ўзида акс эттириб турувчи ушбу ноёб гиламлар келажак авлодни миллий тарихимиз билан таништириш, уларда акс этган миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарга эҳтиром туйғулари тобора ку-

чайтириши, шубҳасиз. Кўргазмада намойиш этилаётган гиламдўзлик намуналари бетақдорлиги, анъаналарнинг давомийлигини ўзида акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

Кўргазма доирасида гобелен санъати – тўқима матода тасвирни акс эттириш бўйича маҳорат дарси ҳам бўлиб ўтди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



ЁШЛАР – БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

"Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод ЎСТК" унитар корхонасига тумандаги мактаб, коллеж, Миллий гвардиянинг Тошкентдаги "Темурбеклар мактаби" билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий гуруҳ ва ифтихор туйғусини шакллантириш ҳамда "Ўқ отиш", "Триатлон", "Ёғзи биатлон" спорт секцияларига жалб қилиш мақсадида ўқувчилар ташрифи йўлга қўйилди.

Миробод туманидаги таълим муассасаларининг ўқувчилари маъмур даргоҳга ташриф буюриб, ўқ отиш бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди.

Ўқувчи-ёшларга "Ватанпарвар" ташкилоти ҳақида маълумотлар берилди ва бўш вақтларини беҳудага сарфламастик, спорт секцияларида спорт билан бепул шуғулланишлари мумкинлиги айтилди. "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод ўқув спорт техника клуби"да неча йиллар давомида қатнашиб келаётган спортчилар ҳозирги кунда шаҳар, Республика мусобақаларда қатнашиб, юқори натижаларга эришаётганлиги айтиб ўтилди. Сўнг спорт бўйича бошлиқ ўринбосари

М.Махкамов ўқувчиларга маҳорат дарсини ўтди.

Тадбир сўнггида чақирқиқа қадар бошланғич тайёргарлик бўйича мактаб ўқитувчилари, подполковник К.Муҳитдинов, К.Соатовлар вояга етмаган ёшларни бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спортнинг техник ва амалий турларига жалб қилиш орқали уларни меҳнат, Ватанни ҳимоя қилишга, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ёш авлодни жисмонан баркамол, мард ва матонатли бўлишига ўз хиссасини қўшаётган "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод ЎСТК" УКга миннатдорчилигини билдиришди.

Зарина РУСТАМОВА

"101"

"ТИЛСИЗ ЁВ"НИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан юртимизни табиий бойликларни иқтисодий манбалари ва инсонлар ҳаёт хавфсизлигини сақлашда уларнинг хизматлари беқийс.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. Ҳа, "тиلسиз ёв" бўлган олов фасл ёки вақт, жой танламайди. Қутилмаганда озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида рўй беради. Ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнинг, уй-жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Суръат АГЗАМХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ катта инспектори, майор

Ёнгинга қарши курашиш ёки унинг олдини олиш масалалари фақатгина ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай, балки барчанing инсонийлик бурчи. Бунинг учун, энг аввало, фарзандларимизни ёнгин келиб чиқиши сабабларидан воқиф қилиш, ушбу кўнгилсиз ҳолатнинг юзига келишининг олдини олиш борасида мунтазам равишда турли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришимиз керак. Кундалик ҳаётимизда олов ҳаммиса ҳамроҳ экан, унга асло бепарқ бўлмастан, доимо эҳтиёткорлик билан фойдаланайлик.

Саида АХУНОВА,
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ катта инспектори, лейтенант

Ҳадемай юртимизда Наврўз байрами нишонланади. Байрам арафасида ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жамоат тартибни сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қамровли профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, халқ сайли бўлиб ўтаётган масканларда байрамни осойишта ўтказиш чора-тадбирлари белгиланди. Аҳолини ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳамда ёнгин хавфсизлиги содир этилишига йўл қўймастик мақсадида 8000дан ортққ кўп қаватли ва шахсий хонадонлар текширилди. Чордоқ ва ертўлалар кўздан кечирилди, қаровсиз қолган биналар беркитилди. Шунинг билан бир қаторда, давлат корхоналари, ташкилотлари, умумий оқватланиш жойлари, аҳоли гаважми йиғилгандаи жойлар ҳамда ётоқхона ва меҳмонхоналарда ёнгинга қарши ҳолати юзасидан профилактик ўрганишлар ўтказилиши давом этмоқда.

Шундай азиз кунларда барча ҳамшаҳарларимизни сумалак, ҳалим ва бошқа турли миллий таомларни тайёрлаш жараёнида оқиқ алангандан фойдаланиш ҳамда ўчоқ ва қозонларни ўрнатилганда эҳтиёт чораларини кўришни сўраб қоламиз.

Мусулма РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ катта муҳандиси, майор
Зулхумор КАРАБАЕВА,
катта сержант

Аҳолини ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш муҳим, болаларни эътиборсиз қолдириш эса хатарли.

Кўчада ўртоқлари билан ўйнаётган болакайлардан бири онасига билдирмасдан гургут олиб чиққан бўлса-ю, қизиқувчанлик сабабли бирор нимани ёқмоқчи бўлса, бундан ёнгин келиб чиқиши мумкинлиги барчага бирдек маълум.

Шунинг учун ҳам фарзандларимизни назоратсиз қолдирмаслигимиз, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишимиз "тиلسиз ёв"нинг олдини олишга ёрдам беради. Ёнгинларнинг олдини олиш учун эса биз ҳафсала қилсак, ўғил-қизларимизга ҳам шунинг ўргатсак, олов офатидан омон бўламиз.

Улуғбек АҲМЕДОВ,
Учтепа тумани ЁХБ инспектори, сержант

Шаҳримизда кўркам бино ва иншоотлар қад ростлаб, чиройлига чирой қўймоқда. Соҳа ходимлари янги қурилишларда лойиҳалаш даврида то қуриб битказилгунча қадар қурилиш меъёри қоидаларига асосида ёнгинга қарши чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан қаттиқ назорат ўрнатадилар.

Афсуски, аҳоли ўртасида тарғибот ишлари қучайтирилишига қарамай, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ҳоллари рўй бериб турибди. Ушбу масканларда ёнгин содир бўлса, тез вақт ичида кенг майдонларга тарқалиб, инсонлар ҳаётига хавф тўғдириши ва давлат мулкига катта моддий зарар етказиши мумкин. Шу сабаб қоидаларга доимо амал қилишни маслаҳат берамиз.

Ерлан КУЛМАНОВ,
25-ҲЁҲ катта инспектори, сержант

Олов учун мулкнинг катта-кичиги бўлмайди. Аланга олган, мулк қадр-қиммати кулга айланishi мумкин.

Шундай ҳодисаларни содир бўлмаслиги учун эса фуқароларнинг ўзи ташаббускор бўлиб, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда маъсулиятимизни оширайлик. Бу билан ўз ҳаётимиз ҳамда шахсий мулкимизни ёнгин офатидан асраган бўламиз. Ўзигагина бўлсин ёнгинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осонроқдир.

Бахитжон АНДАБАЕВ,
"Миллий" стадиони ЁХБ инспектори, катта сержант

Халқ ҳўжалигида газ ёқилгиси асосий ўринда турувчи неъматдир. Шу боис газдан хавфсизлик қоидаларига асосланиб фойдаланиш шарт. Кейинги пайтда мазкур масалага катта эътибор қаратилаётгани, ушбу йўналишда махсус қарор ва фармойишлар қабул қилинганлиги ҳам беҳиз эмас.

Аҳоли турар жойларида фуқароларнинг осойишта яшашини унутмаган чора-тадбирларни ижроси ёнгин хавфининг олдини олишга хизмат қилаётди. Бу борада мутасадди ташкилотлар — Республика Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда "Яшнобод туман электр тармоқлари" ДУК ва "Яшнобод туман газ корхонаси" АЖлари томонидан махсус ташкилий ва амалий ишлар олиб боришмоқда.

Газ ёқилгисидан фойдаланишдаги ноқонунийлигининг олдини олиш ва ёнгинларга олиб келувчи ҳолатлар оқибатларини аҳолига тушунтириш мақсадида фуқаролар билан учрашувлар ва сўхбатлар мунтазам ўтказиб келинатиши. Муҳими, бундай сайёҳаракатлар кишиларнинг ташаббускорлиги, фуқароларнинг маъсулиятининг оширишмоқда.

Улуғбек АҲМАДЖОНОВ,
Яшнобод тумани ЁХБ катта инспектори

Ўзингиз, яқинларингиз ва уйингизни ёнгиндан сақлаш учун хавфсизлик қоидаларига риоя этишингиз шарт. Уйдан бирон бир иш билан кўчага чиқсангиз ёш болаларни қаровсиз қолдирманг, электр жиҳозлари – телевизор, радио, магнитофон, компьютер ва газ плитасини ўчиришни унутманг.

Энг муҳими шунинг ҳам унутмаслик кераки ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш билан саломатлигингиз, йиллар давомида яхши ниятлар билан тўплаган мулкнингизни ёнгин хавфидан асрайсиз.

Жаҳонгир УРМАШЕВ,
"Восток" ИИБ ДУК ЁХБ инспектори, катта сержант

РЕКЛАМА ЎРНИДА


**"5-АВТОБУС САРОЙИ" МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини кириб келаётган қадрлаган Наврўзи олам байрами билан чин кўнгилдан табриклайди! Диёримиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин. Халқимиз ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат, келажакка ишонч туйғулари ҳеч биримизни тарк этмасин.



**"4-АВТОБУС САРОЙИ" МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

ҳамшаҳарларимизни ва пойтахтимиз меҳмонларини Наврўз умумхалқ байрами билан самимий қўтлайди. Сизларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва саодатли кунларни тилаб қоламиз. Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин. Омборларимиз донга тўлсин. Байрамларимиз ҳамиша фаизли ва кўтаринки руҳда, шодон ўтсин!



**"18-АВТОБУС САРОЙИ" МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

жаннатмакон юртимизнинг меҳнатсевар аҳлини Наврўзи олам билан чин юракдан самимий табриклайди. Она Ватанимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилайди. Обод ва озод диёримиз бундан-да ривожланиб, яшнайверсин.


O'ZBEKISTON
SAVDO-SANOAT
PALATASI

TOSHKENT SHAHAR HUDUDIY BOSHQARMASI

**ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонларини она табиатнинг янгилиниши, яшариши рамзи бўлмиш кўҳна ва ҳамиша навқирон Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади. Хонадонингизга тинчлик-тотувлик, файзу барака, тўкин-сочинлик тилайди. Озод ва обод Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин. Қалбимиздан Наврўз шукуҳи ҳеч қачон аримасин!



**Keng
Makon**

МЕБЕЛЛАР ФАБРИКАСИ
1993

"Кенг Макон" мебеллар фабрикаси жамоаси азиз ҳамюртларимизни ва юртимиз меҳмонларини кириб келаётган Наврўзи олам билан чин қалбдан муборакбод этади!



Тел.: 98 300 36 76
www.kengmakon.uz
Махсулот сертификатланган




IPAK YO'LI BANKI

Assalom, Navro'z

*Yangilanish va uyg'onish
bayrami bo'lmish Navro'zi olam
muborak bo'lsin!*

QISHLOQQURILISHBANK

Барча юрtdошларимизни

Наврӯз

умумхалқ байрами билан самимий кутлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий валютадаги омонат турларини таклиф этамиз:

“Инсон манфаати” – омонат муддати – 13 ойдан 25 ойлгача,
фоиз ставкаси йиллик 20 %

“Келажак дунёдкори” – омонат муддати – 25 ойдан 36 ойлгача,
фоиз ставкаси йиллик 21 %.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

“Қишлоқ қурилиш банк” – фаровон ҳаётингиз хизматида!

Мурожаат учун телефонлар: (+99878) 150-93-39, 150-72-58.

Веб-сайт: www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 27.10.2017 йилда № 550422 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “SHOERKIN OMAD YUKSALISH” МЧЖ (СТИР 305111103) таъсисчининг 14.03.2019 йилдаги № 1 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Олмазор тумани, Охун гузар аввалги (С.Раҳимов) 2-берк кўчаси, 41-уй манзилида қабул қилинади.

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, Шивли 1-тор кўчаси, 13-уй учун Султанова Сурайя Бакиевна номига 19.01.2018 йилда ер участкаси учун берилган TS 0082055 рақамли ва 19.01.2018 йилда бино-иншоотга берилган TS 0317963 рақамли ва реестр рақами № 7-38/2018 бўлган 10:07:02:01:01:0089 рақамли (ошхона) нотура жойнинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Ўртачирчиқ тумани, “Чангтепа” маҳалласи, Чорвадор кўчаси, 11-уй учун Худайкулов Сувайтила Абдулҳанович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент банк коллежи томонидан Тўхтамурадова Нозимахон Ботир кизи номига 2015 йилда берилган К № 0255275 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Тахтапул Дарвоза кўчаси, (аввалги С.Раҳимов кўчаси) 417-уй учун Муратов Неймат Раҳматович номига Юнусобод туман кадастр хизмати томонидан берилган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 23.12.2016 йилда 009626-05 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “PHOENIX TECH PRO SERVICE” МЧЖ (СТИР 304492059) таъсисчининг 31.01.2019 йилдаги № 2/18-сон қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чоп қилинган кундан бошлаб 2 ой давомда Олмазор тумани, Лангар кўчаси, 68А-уй манзилида қабул қилинади.

Футбол янгиликлари

ЛАУРЕАТЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Юртимизда январь, февраль ойларида футбол мусобақалари ўтказилмаслиги, Суперлига клублари мавсумга тайёргарлик кўришлари сабаб, ойнинг энг яхши мураббийсини аниқлаш осон кечмайди.

Аммо, жорий йил январда БАА яшил майдонларида Осиё кубоги бўлиб ўтди. Унда Эктор Купер бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоамиз ҳам қатнашди. Шунингдек, “Локомотив”, “Пахтакор”, АГМК ОЧЛ турнирида қатнашиш имконига эга бўлишди. “Пахтакор” ва АГМК ушбу нуфузли турнирнинг саралаш босқичида омадини синаб кўрди, олмалиқликлар гуруҳ босқичига чиқа олишмади, аммо, “Пахтакор” “плей-офф” уйинларида зафар кучиб, энди ОЧЛнинг гуруҳ босқичида “Локомотив” билан бирга юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Шу боис “Интер футбол” газетаси энг яхши футболчи ҳамда мураббийни январь-февраль ойлари

яқунларига қараб аниқлашни лозим топди. Журналистлар эътирофига кўра, январь-февраль ойининг энг яхши футболчиси деб “Пахтакор” ҳамда миллий терма жамоа аъзоси Жалолиддин Машарипов топилди. Фахрли 2-3-ўринлар Игнатий Нестеров ва Сардор Рашидовга насиб этди.

Мураббийлар ўртасида эса январь, февраль ойларининг энг яхши мураббийси деган шарафли ном “Пахтакор” устози Шота Арвеладзега насиб этган бўлса, “Локомотив” бош мураббийси Андрей Федоров иккинчи ўрин билан кифояланди. Миллий терма жамоамиз устози Эктор Купер сўровномада учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Акбар Йўлдошев

ЖЎНАТМАЛАР ТЎХТАТИБ ҚОЛИНДИ

Халқаро почта Конвенциясига асосан, почта жўнатмалари орқали психотроп ва наркотик воситаларнинг юборилиши қатъиян тақиқланган.

Ўзбекистон Республикаси “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни почта жўнатмаларида, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларида жўнатиш тақиқланиши кўрсатиб ўтилган.

Лекин шунга қарамай сўнгги пайтларда таркибида наркотик ва психотроп моддалари мавжуд бўлган дори воситаларини почта жўнатмалари орасида жўнатиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг “Бош почта” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари шу турдаги қондабузарликларни фож қилишди.

Жумладан, фуқаролар Ю.И., А.А., Б.А. номига хориждан юборилган почта жўнатмалари божхона назоратидан ўтқа-

зилганда “СН22” шаклидаги божхона декларациясида кўрсатилмаган салкам 300 дона “Феназепам”, “Лоразепам” ҳамда “Оксазепам” психотроп таблеткалари борлиги аниқланди.

Шунингдек, мазкур пост ходимлари томонидан фуқаролар О.К., Б.Н., О.Ф. номига келган почта жўнатмалари орасидан эса 204 дона “Трамалол”, “Андибал”, “Рокасет плюс” каби психотроп таблеткалари борлиги маълум бўлди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Баъзида фуқароларимиз белгиланган қонун-қоидаларга амал қилмасликлари оқибатида тузатиб бўлмас хатоликларга қўл уришади. Ноқонуний хатти-ҳаракат албатта жазоланишни унутмаслик лозим.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани “Ягона дарча” маркази томонидан 20.09.2017 йилда № 544292 рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтган “TRANS-EXPERT SHIPPING” МЧЖ (СТИР 305067165) таъсисларининг №1-сонли 15.03.2019 йилдаги баённомасига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида куйидаги манзил орқали қабул қилинади: Тошкент ш. Учтепа тумани, А.Мухтор кўчаси, 18-уй. Мурожаат учун телефон: (97) 430-74-98.

“Яшнобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Яшнобод тумани, Оханграбо кўчаси, 112-уй учун Абдуллаев Рахим номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



кундузи — 16-18 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 20 март куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10,

Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 20 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади, ифлосланиши даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бунича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилди.
2343 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Буюртма Г-3 46

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 19:50